

Наманган шаҳар
Халқ таълими бўлимига қарашли
“Қувонч” номли 52-МТМ да
Экологик тарбия бўйича
МАШҒУЛОТ ИШЛАНМАСИ

Машғулот номи: **Экологик тарбия**
Мавзу: **Биз кўчат экамиз**

Мақсад: Болаларга экологик тарбия асосларини сингдириш, табиатни севишга, уни асраб-авайлашга ўргатиш ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатане меҳр уйғотиш. Жонли ва жонсиз табиат инсон учун зарурлиги ҳақида кўникма ҳосил қилиш. Уни муҳофоза қилиш меҳнат кўникмасини тарбиялаш.

Керакли материаллар: Расмлар, оқ қоғоз, кўчатлар, қаламлар.

Машғулот бориши

Тарбиячи: Болалар бугунги машғулотмизда табиат ва уни асраб-авайлаш ҳақида суҳбатлашамиз.
Табиат бу нима? Табиат бу атрофимизни ўраб турган ям-яшил ўсимликлар, дарахтлар, қушлардир. Бу демакки, табиатни асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг қолаверса биз болажаонларнинг ҳам бурчимиздир. Унинг кичкина чумолисидан тортиб (катталарини ҳам эҳтиёт қилиш) кичкина гиёҳини ҳам асрашимиз лозим. Машғулотимизда дарахтларни парвариш қилиш ва уларни асраб авайлаш ҳақида суҳбатлашамиз. Суҳбатимизни бошлашда мен сизларга бир бола ҳақида ҳикоя сўзлаб бераман.
Баҳор кунларининг бирида Анвар деган бола ойиси олиб берган янги кўйлак, шимни кийиб олиб кўчага ўйнагани чиқибди. Анвар ўз ўртоқлари олдида келаётган экан. Эшик олдидаги ўрик дарахтида бир чумчуқ чирқиллаб сайёраётганини эшитиб қолибди. Қараса она чумчуқ ўз боласига овқат бераётган экан. Анвар ўйлаб ўтирмай дарахтга осилиб, унга чиқа бошлабди. У чумчуқ боласини олиб ўртоқларига кўрсатмоқчи бўлибди. Анвар ўрик дарахтининг шохларини эгиб, унга озор бераётганида бирданига ўрик дарахти тилга кирибди. Дарахт Анварга ялиниб-ёлворибди: Анвар, Анвар шохларимни эгиб озор бериб қийнама, ахир мен сенга ва ўртоқларинга шириндан-шакар мева солиб бераман. Менга озор берсанг, шохларимни қийнасанг, шохларим ўсмайди, гулламайди, мева тугмайди. Одоби болалар мени асраб парвариш қиладилар. Сен ҳам мени авайла, лекин Анвар дарахтнинг гапларига қулоқ солмай чиқаверибди. Шу пайт ўрик дарахтининг катта шохи синиб, она чумчуқнинг боласи ерга йиқилиб тушибди. Она чумчуқнинг оёғи синибди. Буни кўрган Анварнинг ўртоқлари ундан хафа бўлиб, чумчуқнинг боласи билан парвариш қилгани уйларига олиб кетишибди. Анвар ёлғиз қолибди ва қилган ишидан пушаймон бўлибди.

Тарбиячи:

1. Анвар нима учун дарахтга чиқиди?
2. Болалар, Анвар қилган иш тўғрими?
3. Нима учун биз қуш ва дарахтларни севамир.

II қисм.

Эшик тақиллаб бир бола киради (кўпгина кўчатлар билан). Болалар мен қилган ишимдан пушаймонман, мени кечиринглар. Мен бошқа қуш ва дарахтларга озор бермайман. Мен доимо қуш ва дарахтларни парвариш қилиб, уларни асраб-авайлайман. Мана, ҳаммамиз кўчатларни экиб, боғчамизни боғ қиламиз.

Анвар: Раҳмат болалар, энди ҳаммамиз кўчат экамир. Дарахтлар катта бўлгач, сизларга ширин мевалар солиб беради.

Тарбиячи: Анваржон, бизга ўрик, олма, бодом, нок, олча, хурмо кўчатлари олиб келибди.

III. Кўчатларни экишдан олдин расмини чизамиз. Болалар расм чизиб бўлгач, чизган дарахтдарингиз сизлар раҳмат айтмоқда деб тарбиячи болаларни рағбатлантиради.

IV. Тарбиячи: Энди ҳаммамиз боғимизга чиқиб, мевали дарахт кўчатларини экамир. Болаларни кўчат экишга олиб чиқиб, кўчат экишда фаол қатнашаётган болаларни рағбатлантириш. Кўчатни экишдан аввал ерни чуқур-чуқур ковлаб, кўчатни ушлаб туриб, сув қуйиб сўнгра тупроқ билан ёпилади. Болалар буни ўзлари бажаришга ҳаракат қиладилар. Машғулот сўнгида Анваржон хайрлашиб кетади. Машғулотда яхши қатнашган болалар рағбатлантириб, “Маззасидан тор” ўйинини ўйнаб яқунланади.